

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 6 сентябрь пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 184 (2746)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI MUHTARAM ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон халқи ва ҳукумати муборакбод этаман.

Келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада ривожланишининг шохиди бўламыз, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Сиз, Жаноби Олийлариға, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматиға сихат-саломатлик ва равнақ тилаб қоламан.

Сайид Муҳаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлариға қизгин қутловлар ва энг эзгу тилақлар йўллаш менга гоят катта мамнуният бахш этди.

Ишончим комилки, дўст мамлакатларимизни боғлаб турган муносабатлар бундан буюн ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида мустақамланиб, ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизға мустақам соелик, узоқ умр ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истақларимизни лутфан қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Республикасининг биродар халқиға эса барқарор тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Шаҳобуддин АХМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлариға, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматиға Миллий байрам халқи ва шахсан ўз номидан самимий табрик ва эзгу тилақлар йўллаймам.

Сиз, Жаноби Олийлариға мустақам соелик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқиға эса тараққиёт ва фаровонлик тилаб йўллаётган табриқларимизни қабул этгайсиз.

Масъум АБДУЛ ҚАЮМ,
Малдив Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,
Мамлакатингизнинг давлат байрами — Мустақиллик куни билан Сизни самимий муборакбод этишға ижозат бергайсиз!

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буюн ҳам дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ривожланиб бораверади. Словакия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқларимиз фаровонлиги йўлида тобора ривожланишини истаб билдирган тилақларимизни изҳор этишға ҳам ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизға бўлган камоли эҳтиромимизни қабул қилгайсиз.

Рудолф ШУСТЕР,
Словакия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сурия халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийлариға ҳамда Ўзбекистон Республикасининг дўст халқиға гоят самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийлариға сихат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизға эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истақларини ҳам изҳор этаман.

Камоли эҳтиром ила,

Башар Ал-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти.
(Давоми 2-бетда).



«НАМ-КОН»НИНГ ШИРИН ШАРБАТИ

Косонсойликлар мустақилликнинг ўн йиллик тўйини янги қўшма корхоналарни ишға тушириш билан кўтиб олишди

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш иқтисодий таълимнинг асосий йўналиши эканлигини Косонсой туманида яхши билишди. Бир неча йилдирки, тумanning ишбилармон одамлари хўл мева ва сабзавотлардан тобиий шарбат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида изланиб келишарди. Соботи, бу ердаги ҳўжалиқнинг асосий қисми боғдорчилик ва сабзавотчиликка иқтисослошган. Ва ниҳоят улуг байрам арафасида янги 10-қўшма корхона ишға тушди. «НАМ-КОН» — эндиликда ушбу корхона номи билан танилган, сифатли ва бежирим қадоқланган шарбатлар турли дўкон пешталарида кўзингизни қувонтириб турса не ажаб. Мазкур завод оти 30 сотик майдонга жойлашган бўлиб, кўнига 10 тонна махсулот ишлаб чиқарилади. Бунинг устига у хорижикидан сира қолишмайди.

Корхонамиз лойиҳа ҳужжатлари Миллий банкнинг Косонсой филиали ёрдамида тайёрланди. Олинган кредит ҳисобига Исроиҳиди «Пакс Лин» ЛТД корхонасидан янги технология сотиб олди, — дейди корхона раҳбари Қодирхон Муталов. Янги завод туманда етиштирилган мева-сабзавотларнинг 70 фоизини қайта ишлайди. Ярим литрли пишик ва бежирим идишларға қўйилган шарбатлар асосан маҳаллий шароитда етиштирилган сабзи, олма ва

ноқдан тайёрланади. Энг асосийси, ҳозирдан корхона махсулотига хориждан буюртмалар тушмоқда. **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ,** «Халқ сўзи» муҳбири. **СУРАТДА:** (чапдан) туман ҳокими, Олий Мажлис депутаты Убайдулло Маматов, қадоқловчи Мунисаҳон Бобоева, корхона раҳбари Қодирхон Муталов янги махсулотни кўздан кечирмоқда. **Муаллиф олган сурат.**

ҲУЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония марказида Япония ҳукумати билан кичик ҳажмдаги лойиҳаларға бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасидаги грант-шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Япониянинг мамлакатимиздаги Факултада ва мухтор элчиси К.Накаяма ҳамда «Қорақалпоққилиқ ҳўжалиқ-сувармоқлари» трести бошқаруви раиси Ж.Утегенов имзо чеккан грант-шартномаларнинг умумий қиймати салкам 40 миң АҚШ долларига тенг бўлиб, Қорақалпоқistonнинг қўроқчиликдан зарар кўрган ҳудудларида тўқсонга замонавий сув насоси ўрнатишни кўзда тутди. Айтиш жоизки, бу гал ажратилган грантлар Қорақалпоқistonдаги вазианти енгиллаштиришға қаратилган бегараз ёрдам тибларининг иккинчи босқичидир. Япония ҳукумати ўтган йили ҳам айнан шу мақсад учун 39600 доллар ажратган эди. (ЎзА).

Пахтакорларнинг асосий вазифаси

Бу йил Наманган вилояти далаларида пахта ҳосили эрта етилди. Энди асосий вазифа — ҳосилни қўшқа муддатда ва нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш. Наманганда ўтказилган йиғилиш шу маззуга бағишланди. Унда туман ҳокимлари, вилоят қишлоқ ҳўжалиқ мажмуи раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда пахта териш ва тайёрлаш топширини удалаш учун пахтакорлар ва те-

римчилар ишини тўғри ташкил этиш, уларға тегишли шарт-шароитлар яратиш лозимлиги таъкилланди. Шунингдек, кўзи бошқоқди дон экиш мавсумини сифатли ўтказиш масалалари ҳам эътибор қаратилди. Йиғилишда ўртага ташланган муаммолар муҳокамасида вилоят ҳокими Т.Жабборов иштирок этди. **Н.ХўҲАЕВА,** ЎзА муҳбири.

Юбилейға бағишланган ғалаба

Вақт кеч бўлишға қарамай Тошкент аэропортида жонланиш ҳўкм сурарди. Ўзбекистонликлар Хитойда яқунланган Жаҳон талабалар университетларида аждоғий ғалабани қўлга киритган эълочиларни кўтиб олди. Хали дунёға танилмаган ўзбекистонлик эълочоци Этамназар Аҳбаров барча рақибларини маълуб этиб, 73 килограмм вази тоифасида олтин медал соҳиб бўлди. Унча кенг далаври универсилада ўзбекистонлик эълочиларнинг энг яхши ютуғи Арм Багдасаровнинг қумуш медали эди. 66 килограмм вази тоифасида иштирок этган Мурод Калиқулов ва мутлақ вази тоифасида Абдулла Тангриев қумуш медал билан қайтиди. Оғир вазида Абдулла Тангриев ва Михаил Соколов уйға иккита қумуш медал олиб келди. Карнай-сунай садоқлари остида спортчилар кўтиб олувчилар кучоғига тушиб қолди. Биринчи бўлиб уларнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхорр Ҳўломов қаршилади. Барча эълочиларға зар чопон кийдирилди. — Орузум ушланганидан бахтиёрман — давлатимиз Президенти ва бугун халқимизни олтин медал билан хурсанд қилдим, — деди Этамназар Аҳбаров. — Универсилада кўп қийин дақиқалар бўлди, лекин уйға олтин медал билан қайтиш ҳақидаги ваъламизни ёлда тутиб, бор кучимизни ишға солдим. Барча жамоамиз аъзолари номидан ўз муваффақиятимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигиға бағишлайшимизни айтишдан хурсандим. (ЎзА).

Ҳуқуқ ҳамма учун баробар

Нукусда "Нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳўқуқий тартибға солиш" манзулида семинар бўлиб ўтди. У Нотижорат ҳўқуқ халқро маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Инсон ҳўқуқлари миллий маркази қўмитаси ташкил этилди. Семинарда айтилган бошқармалари, ҳокимликлар, солиқ хизмати, Қорақалпоқiston Республикаси ва Хоразм вилоятининг бошқа тузилмалари вакиллари ҳамда нотижорат ҳўқуқ соҳасида ишлайдиган хорижлик мутахассислар иштирок этди. Семинар қатнашчилари етакчи мутахассисларнинг маърузаларини муҳокама қилди, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ўзини хос жиҳатлари билан боғлиқ саволларға экспертлар жавобларини олди. **А. ОРТИҚБЕВ,** ЎзА муҳбири.



Пахта — 2001

Олтинқўлнинг олтин хирмони

Асақалик миришкорлардан сўнг 6416 гектар ерининг ҳар гектаридан 31,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олган Олтинқўл тумани пахтакорлари ҳам ғалаба маррасига етиб келдилар. Давлатта сотилган 20 миң 224 тонна саноат хомашисининг ҳаммаси юқори наваға қабул қилинди. Танглайи пахта билан кўтаришган ўзбек деҳқонининг иқтисоди, салоҳиятини таърифлашға сўз очди. Олтинқўлликлар ҳали чумома кўз очиб улгурмай, ерга чигит қалдилар. Хар гектар ерда 130-140 миң тулдан кўчат бўлишға дақиқасини ганимат билган миришкорлар, айниқса, гуза парварлишға эътиборни кўчайтирдилар. Пленка усули ўз афзаллигини кўрсатди. Ёз охириға келиб, пахта чаман бўлиб очилди. Бағри кенг далаври файз ва бараката тулиб, теримчиларни бағриға чоралади. «Оқ олтин» юклаган қарвонлар эса кўчаларни тўлдирди. Шу боис натижалар ҳам салмоқли. — Йиллик режани бажаришимиз учун ўн кун кифоя қилди, — дейди «Намуна» ширкат ҳўжалигининг бош пудратчиси Асалхон Расулова. —

Мустақилликда яшаш ва ривожланишнинг энг салмоқли ютуқларидан бири шўқи, халқимиз миллат сифатида ўзини англади.

Ўтган 10 йил мобайнида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида миллат тарихини тиклаш ва жаҳонға кўрсатиш жаҳасида шу қадар улуг ишлар амалға оширилдики, натижада, собиқ шўролар даврида деярли манкуртлик ёқасига келиб қолган халқ бугун ўзининг буюк тарихли ва буюк маданиятли бир миллат бўлганини тула-тўқис ҳис этмоқда. Ун йиллик мустақил тараққиётнинг маънавий натижалари шундан иборатки, халқ ўзининг қаддини ростлади, миллий ҳамиятини, қадр-қимматини ҳис этди, гурур, ифтихор ҳис-ғуйғуларни қайта уйғонди. Биз бировдан кам эмас, балки баъзи жиҳатларға кўра, бошқалардан мукамалроқ миллат эканлигимизни англадик.

«Ўзбекистон давлатчилиқка XX асрдагина эришди» дегувчиларға, «Авесто»дай қадимки китобларимиз далолатиға суяниб, давлатчилигимиз 2,5-3 миң йиллик тарихта эга эканлигини дадил исботлаймиз. «Ўзбекистон қолақ ўлка эди» деган калтабинлар Маъвун академияси тиклангач, ал-Фарғоний каби алломаларимиз юбилеи ўтгач, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги тарихи дунё миқёсида нишонлангач ва маърифатимиз, илм-фанимиз, забардаст ўтмиш алломаларининг мерослари бирин-кетин тиклангач, мулзам бўлиб қолдилар.

Ҳа, биз ўзимизни жуда қисқа муддатта тарихан ва маънан гоятда кенг миқёсларда англаб етдик. Шу боисдан, мустақилликда ўтган 10 йилни «Асрларға татигулик йиллар» деб атасак, бу ҳеч кимға муболага эмас, балки айни тарихий ҳақиқат бўлиб туолади.

Бироқ ўзликни англаш тўхтовсиз жараён. Ва бу тушунчаға ҳаёт янги-янги маъноларни бағишламоқда. Ўзликни англашға янги талаблар билан ёндошувини ҳам давр тақозо этмоқда.

Энди ўтмишимиздаги мавжуд ютуқлар билан фахрланиб қолишнинг ўзи етмайди. Бугун Ўзликни англаш — юртдошларимизнинг маданияли ва маънавий даражасини замоннинг янги талаблари савиясига кўтаришини англаш. Бошқачароқ тарзда айтсак, ўзликни англаш — аслимизни, илдизларимизни, миллий асосларимизни унутмаган ҳолда, ўзликни XXI аср андозаларида намоен этиш демакдир. XXI аср эса — интеллектуал соҳиёт барқ уриб ривожланаётган аср, илм-фан, янги техника ва технологиялар асри, демократия ва инсон шахси ўзига кенг йўл очадиган асрдир.

Биз ўзлимизни ана шундай янги мақомларда англашимизни мустақил тараққиёт тақозо этмоқда. Биз ҳозирги кунда бунга дадил эришяпмиз, деб айтсак бўлади.

Яқинда телевидение орқали Асақа шаҳридаги «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхонасининг янги линияси ишға туширилишға бағишланган тантанали маросимни кўрдик. Завод иш бошланган кезларда бу ерда 100 га яқин корейлик мутахассис ишлаган бўлса, эндиликда бу ерда Жанубий Корейда малака оширган, энг замонавий машина ва механизмларни бемалол бошқара оладиган, янги технологиянинг соатдек аниқ ишлашға маълум ёш ўзбек муҳандислари ишламоқда. Истиқлол халқимиз ўзлигини ана шундай янги босқичларға кўтарди.

Қолаверса, иқтисодиётда бозор қонунилари тобора мукурлашмоқда, ижтимоий-маънавий ҳаётда эркинлаштириш, мустақил, овоз ва дадил фикрлайдиган шахсларни дунёға келтириш давр талабига айланмоқда. Бу йўлда долзарб муаммолар ҳам оз эмас.

Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи олтинчи сессиясидаги маърузасида Президентимиз, ривожланган давлатларнинг биздан фарқи нимада, деган масалани қўйиб, бу фарқ — ўша давлатлардаги аҳолининг ҳўқуқий маданиятида, ҳўқуқий дунёқарашнинг юксак шаклланишида, деган жавобни бердилар. Аслида, ҳудди шу жавоб замирида маънавиятимиз олдиға қўйилган долзарб вазифа ҳам мужассам. Демак, Ватанимизда ривожланган давлат қурмоқчи эканмиз, биз ҳам ана шундай юксак ривожланган ҳўқуқий онгта маънавиятимиз даркор. Ўзлимизни англашда энг муҳим вазифалардан бири ана шундай.

Энди кўп нарса ўзимизга, интилиш ва саъй-ҳаракатларимизға боғлиқ. Биз ўзгарсак — ҳаёт ўзгаради. Ҳаётни ўзгартириш учун ўзимизға муносабатини тубдан ўзгартирадиган давр келди. XXI аср — Ўзбекистон асри бўлиши учун халқимиз ҳар жиҳатдан мана шу асрнинг энг юксак мезонлари даражасига кўтарилиши керак. Бунинг англашнинг ҳосияти катта.

Михли САФАРОВ.

Кўнгилдаги гап

Белорус туғроғида туғилганман. Қасбим қурувчи. Айни йиғилиш давринида 11 та шахарни қўриш ёки қайта тиклашда иштирок этганман. Аммо, республикамизда, жуғуладан, шахримизда гоят қисқа муддатда амалға оширилган бунёдкорликларни тасаввурға сийдириш мушкул. Айни кунларда ҳар биримизнинг ҳақлимиздан «Мустақиллик она-Ватанимизға нима берди?» деган кенгроқ мавнадаги

Қойил қолмай бўладими?

фигр ўтса ажабмас. Бунга жавоб излаш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ён апроға боқсангиз бас. Жавоб тайёр. Менимча, ҳар қадамдаги юксалишни сезмаган инсоннинг ўзи йўқ. Мана шахримиздаги ишлар кўламини олайлик. Қойил қолмаслик мумкин эмас. Яқинда Беларусдан қариндошларим келишди. Навоий номи янги боғда сайр қилишди. Яйдоқ чўла ўрнида қад ростлаган бундай гузал маеканини фақат оруз қилиш мумкинлигини айтишди. Ахир, ҳайратланмай бўладими? Навоийликларнинг неча йиллик орузлари эўё афсоналароғидек 5-6 ой ичида амалға оиди-я! Унинг замирида шу Ватанға, унинг утмишиға муҳаббат, буюк алломаларимизға эҳтиром, халқимизнинг бунёдкорлик кучи етибди. Демокриманки, шу кунларда бидеримизнинг ҳар бир фуқароси апроға боқиб, мустақилликнинг хўшбўй ҳиди, гул-чечакларни фуфуриб турган ҳўзур-бахш ҳавосидан, албатта, баҳра олади. Бу табиий. Йўлингиз тушса, Навоий-га, албатта, кўнаб ўтинг. Буюк шоир орузлари руёбға чиққаниға ишонч ҳосил қиласиз. **Владимир ШКУМАТ,** уруш ва меҳнат фахрийси, Навоий шахри.

О.ШОДНОМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси миллий байрамнинг нишон-ланиши Сизга Жазоир халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан қизғин табриклар йўллашдек қувонч-ли имконият ато этмоқда.

Ушбу бахтли айёмда икки томонлама муносабатларимизни ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда меҳнат қилишга тўлиқ тайёр эканлигини таъкидлашни истар эдим.

Жаноб Президент, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт, дўст Ўзбекистон халқига эса, фаровонлик ва ютуқлар тиловчи энг яхши эзу истақларимни яна бир бор изҳор этиб, юк-сак эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

Абдулазиз БУТЕФИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Сизга, мамлакатингиз Ҳукумати ва халқига сизидилдан қутловлар йўллаيمан.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам яхши ривожланиб бораверди, деб ишонч билдираман ҳамда мамлакат барқарорлиги ва гуллаб-яшнашини таъминлаш ва халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда Сизга улкан муваффақиятлар тилайман.

КИМ Ён Нам,
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Раёсатининг Раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Миллий байрам нишонланиши муносабати билан шахсан Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган истақларимни қабул эттайсиз.

АНРИ,
Люксембург Буюк Герцоғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва халқингизга ўзимизнинг табрикларимиз ва энг яхши тилақларимизни йўллаймиз. Сизга мустақам соғлиқ ва бахт-саодат ва Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз қардош Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг байрамни нишонлаётган бир пайтда Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали муътабар ҳукуматингизга ҳамда биродар халқингизга энг эзу ва самимий қутловларимизни изҳор қилиш менга мамнуният бахш этади. Бугунги кун Сизга эзгулик ва омонлик ато этишини Қодир Аллоҳдан сўраб қоламан.

Ушбу шонли сана муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатларимиз ва халқларимизни бирлаштириб турган қардошлик алоқалари мустақам эканлиги учун миннатдорлигинизни изҳор этаман. Биз бу алоқаларни эзгулик ва ўзаро манфаатлар йўлида мустақамлаш ва ривожлантиришга муттасил ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз мазкур шонли миллий сана муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига яна бир бор сизидилдан қутловларимизни изҳор этагимиз. Сизга мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, халқингиз ҳамда қардош мамлакатингизга фаровонлик, равнақ ва тараққиёт тилаймиз!

Ёсир АРАФӨТ,
Фаластин Озодлик Ташкилати Исроия Қўмитасининг Раиси, Фаластин Миллий Маъмуриятининг Раиси.

«Узуйжойжамгармабанк» Ўзбекистоннинг энг навиқорон ва жадал ривожланаётган банкларидан бири ҳисобланади. Жорий йилда унинг ташкил топганига 5 йил тўлади. Шу қисқа муддатда банк республика банк тизимида ўз мавқени мустақамлаб, бешта йирик банкнинг бирга айланди.

Утган йиллар мобайнида банк эришган энг асосий ютуқлардан бири — мижозлар ва омонатчилик ишончини қозонганидир. Бу эса унинг иқтисодий кўрсаткичлари мунтазам ўсиб боришига асос бўлмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда банк капитални 1997 йилнинг 1 январидаги даражага нисбатан 27 марта кўпайди ва 2001 йилнинг 1 июлига келиб, 13,6 миллиард сўмга өтди, банк активлари эса 32 баробар кўпайиб, 60,6 миллиард сўмни, жумладан, унинг кредит қўйилмалари 32,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон өтакчи рейтинг компанияси — «Ахборот-рейтинг» маълумотларига кўра, «Узуйжойжамгармабанк» республика банклари орасида абсолют рейтинг кўрсаткичларига биноан, бешинчи ўринда туради. «САМЕЛ» тизимига кўра эса, барқарор «иккинчи» ўринни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, халқаро «The Banker» журнали ушбу банкнинг жаҳондаги 2000 та йирик банклар рўйхатида 1567-ўринни эгаллаб турганлигини тасдиқлади.

Банк ва аҳоли

Уй-жой қурилиши жамият ижтимоий тараққиёти даражасини белгиловчи омиллардан биридир. Худди шу ҳолатни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов республика аҳолисининг уй-жой шартини яхшилашни кафолатловчи Фармонни имзоладилар. Шунга кўра, 1996 йилнинг январ ойида банкда «Тошуйжойжамгармабанк» деган янги молиявий тармоқ пайдо бўлиб, у ўз фаолиятини бевосита пойтахтимида уй-жой қурилиши ишига йўналтирди.

Бунда бир қатор имтиёзли кредитлар бериш жорий этилди. Бу қўйидаги тартибда амалга оширилди: қурилатган уй-жой умумий қиммати 50 фоизи давлат бюджетни ҳисобига қўлланади, аҳолидан тушадиган ҳамда банк орқали уй-жой сотиб олиш учун йўналтирилган маблағ эса даромад солиғидан озод этилади. Бундан ташқари, уй-жой қурилишининг қийматини пайсантириш мақсадида қурилишнинг ўзи қўшимча қиймат солиғидан озод этилган, муҳандислик-коммунал хизмат ишлари маҳаллий ҳокимият органлари маблағи ҳисоби-

дан бажарилади. Фаолиятининг дастлабки йилидаёқ «Тошуйжойжамгармабанк» ўз имкониятларини яққол намойиш этди, пойтахтимида 216 оила 21,3 минг квадрат метр яшаш майдонига эга бўлган хонадонларга кўчиб кирди.

Мамлакатимиз Президентини Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилиши соҳасидаги тажрибаларни инobatта

га жалб этган ҳолда уларни иқтисодийнинг турли жабу-халарига сармоғи сифатида йўллаб, қўшимча банк ҳизматларини ҳам йўлга қўймоқда. Аҳолига турли даражада даромад келтирувчи, ҳар хил муддатли, маблағ жамғариш ва чиқаришининг турли шарт-шароитларига эга бўлган омонатларни таклиф этмоқда.

кредитлар ҳисобига 2,5 миллиард сўмликдан кўпроқ мақсулотлар ишлаб чиқарилиди, хизматлар кўрсатилди ва бошқа ишлар бажарилиди. 1600 та янги иш ўрни ташкил этилди. Банк хизмат қилаётган кичик ва ўрта корхоналар сони эса 2086 та хўжалик субъекти ҳисобига кўпайиб, уларнинг сони 8915 тага өтди.

Шуни айтиш керакки,

маъқулланди.

Келажакка бир назар

Банк фақат ўз капитални кўпайтириш ва ликвидлигини таъминлаш билангина чекланиб қолмасди, банк хизматининг кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш орқали доимий мижозлар сонини кенгайтириш боринини ҳам келгусидаги муҳим вазифаларидан бири, деб билади. Нақд пулсиз пластик картчалар воситасида ҳисоб-китобга ўтиш йўлида олиб борилаётган ишлар шу жиҳатдан диққатга лойиқдир. BGS, Plastik Kagt компаниялари ва «Узуйжойжамгармабанк» ўзаро ҳамкорликда пластик картчаларни 2001 йилнинг учинчи чораги мобайнида жорий этиш режасини ишлаб чиқдилар. Шунингдек, «Рейтер» трансакция тизими ва ахборот хизматини жорий этиш буйича ҳам шартнома имзоланди. Бу муайян вақт мuddатида халқаро молиявий фаолият тўғрисида маълумот олиш, худди шу режимда шартномалар тузиш имкониятини яратди.

Банкни ислоҳ қилиш эса Жаҳон банки консултантлари иштирокида амалга оширилмоқда. Бунда ёрдам банк тузилмаларини ўзгартириш, сифат жиҳатидан янги ички банк ҳужжатларини тайёрлаш, шунингдек, ходимларни қайта тарбиялаш ва, умуман, банк фаолиятини халқаро андозаларга асосан ташкил этишда қўл келди.

МОЛИЯ БОЗОРИДА 5 ЙИЛ

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаб...

Банк кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатиш буйича ҳам муайян мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширмоқда. Масалан, 2001 йилнинг 1 августига қадар банкнинг кредит қўйилмалари 32,9 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, шундан 5,7 миллиард сўми, яъни умумий кредит қўйилмаларининг 17 фоизи кичик ва ўрта бизнес ривожланишига йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 2 баробар кўпдир. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган

соф даромад қолдиғи ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли кредит ажратилиши шаклида шакллантирилди. Ҳозирги кунда унинг ҳазинасида 800 миллион сўм маблағ бор. Ушбу фонд ҳисобидан 390 та кичик ва ўрта бизнес субъекти имтиёзли кредитлар ажратилди.

Банк мутахассислари янги-янги инвестиция лойиҳаларини жорий этиш, чет эл валютасини жалб этиш йўлида ҳам изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Олмониянинг КВФ банкидан чет эл кредит йўналиши буйича олинган 1,5 миллион евро ҳисобига кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 1,9 миллион евролик 4 та лойиҳа қўриб чиқилиб,



ШУКУҲЛИ ШОДИЁНА ҚУВОНЧИ

Озод ва Хур диёримиз — Ўзбекистонимизнинг азамат ва жафокаш халқи мустақилликка эришганимизнинг ўн йиллигини катта шоду-хуррамлик билан нишонлади. Унинг илҳомбахш таронаси қалбларимизга олам-олам қувонч бахш этди.

Бу улғу кунлар шавқида астойдил меҳнат қилган «Нерудник» очқ ақциядорлик жамияти корхонаси жомаси она Ватанимизнинг юраги бўлиши Тошкент шаҳридаги улкан қурилишлар учун қум-шағал материалларини етказиб берганини билан фахрланмоқда. Мустақиллик шарофати корхонаси биринчилардан бўлиб очқ ақциядорлик жамиятига айлантирилган эди. Истиқлол иқтисодий қўйинчиликларини энгиб ўтишимизда жуда

БИР БИНОКИ...

Бўз тумани ҳуснига ўзгача чирой кўшди

Ёшлари ўқимишли, баркамол бўлган юртининг келажаги буюқдир. Бу борада юртимизда қўллаб-қўрғатилган ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда барпо этилаётган бир-биридан ёзуал коллеж ва лицейлар, янги мактаблар фикримизнинг дашидир. Кунини кеча мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов Бўз туманидан яна бир хўшxabар билан қайтди. Бу ерда 600 ўринли касб-хўнар коллежи қурилиб ишга туширилди. Унда ёшлар 9 мутахассислик буйича таълим олади.

СУРАТЛАРДА: янги коллежнинг умумий кўриниши; маънавият хонаси ҳаммиша ёшлар билан гавжум.



Анжуман

Кеча пойтахтимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг рўёбга чиқаришининг биринчи босқичи якунларига бағишланган илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб, республика Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан уюштирилган ушбу конференция икки кун давом

Конференция мавзуи — таълимдаги ислохот

этади. Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнининг биринчи босқичи (1997-2001) якунлари чуқур таҳлил қилиниб, шу асосда ислохотнинг наватбати иккинчи босқичида амалга ошириладиган вазифаларни белгилаш ва уларни рўёбга чиқариш имкониятлари аниқланди.

Конференциянинг биринчи кунини ялпи мажлисидаги маърузаларда ўтган даврга назар ташланиб, мамлакат таълим тизимини ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш буйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб ва наватбати вазифаларга аниқлик киритилди. Куннинг иккинчи ярмида конференция иштирокчилари бешта шўбага бўлиниб, эришилган натижаларни танқидий таҳлил этишди, иккинчи босқич

вазифаларини амалга ошириш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқдилар.

Конференцияда узлуксиз таълимнинг барча турларидан сайланган вакиллар, турли вазирлик ва идоралардан, хорижий давлатлардан таклиф этилган мутахассислар иштирок этмоқда.

Бугун конференциянинг якуний мажлиси бўлиб ўтиб, унда муҳокама этилган масалалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар лойиҳаси анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

М. САФАРОВ.

Ўқувчиларга совға

Номанган муҳандислик-педагогика институтини академик лицейи ўқувчилари янги бинода ўқув йили машғулотларини бошлади.

Бу ерда лицей ўқувчилари чуқур билим олиши учун барча шароит яратилган. Ўқув хоналари, лабораториялар, компьютер хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ўқувчилар билан ишлаш учун танловдан ўтган ўқитувчи ва мураббийлар жалб қилинган.

Вилоятда олтинта касб-хўнар коллежи ва битта академик лицейни янги ўқув йилига тайёрлаш учун 6 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланди.

Н.ХҲҲАВА,
Ў.А. мухбири.

Қарз...

қаердан келади?

Шўрчидаги «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамиятда 2001 йилнинг биринчи ярмида 3 миллион 398 минг сўмлик мақсулот ишлаб чиқарилиди. Бу ўтган йилнинг шу даврида эришилган кўрсаткичдан саккиз баравар пастдир. Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари эса 8 миллион сўмдан ошиб кетди.

«Иш нега яхши эмас?», деган саволга жавоб битта: хомашё таъминотида чалкашлик бор. Ўтган олти ойда, масалан, корхона 25 тонна ун олган. Шунинг тўғрисида ишчилар бекор туриб қолмасин, деб қайси бир манбалардан ажратиб берибди. Хомашё таъминотидаги узилтилар бос, мавжуд қувватларнинг учдан бир фойзидан фойдаланилмоқда.

Биз, айтилик, ун ёки туз қалокдананган халта ишлаб чиқариш ҳақида кам ўйлаймиз. Нега? Тошкентга буюртма қилинган қоплар вақтида етказиб берилмагач, тегиридондаги унни истеъмолга чиқаришда узилтилар бўлаётгани ҳам сир эмас. «Бунёдкор»нинг тегиримони 1997 йилда қурилган. Ваҳоланки, ўша пайтда 100 кун ишлаб, вилоятнинг унга бўлган бир йиллик эҳтиёжини таъминлай оладиган қувват мав-

«Газета дўконидан... ПИВО»

Газетамизнинг шу йил 13 июл сонидан юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола ёритилган эди. Унда Навоий вилоятидаги «Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамиятида матбуотнинг маърифий, маданий баҳосига етарлича эътибор берилмаётганини, газета-журналлар тарқатишдаги лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳақида сўз юритилганди.

Ушбу танқидий чиқиш юзасидан таҳририят республика «Матбуот тарқатувчи» ақциядорлик компанияси Бош директори Р. Қосимов ва Навоий вилояти ҳокими Уринбосари Д. Холиқовлардан жавоб мақтублари олди. Уларда айтилишича, мақола компанияда ҳамда Навоий вилоят ва шаҳар ҳокимликларида, вилоят «Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамияти, «Навоий почтаси» ақциядорлик компанияси, шунингдек, тегишли идораларда атрофлича ўрганилган. Газета дўконларида вақтинча наشرлар сав-

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

досини кучайтириш чоралари белгиланган. Жумладан, Д. Холиқовларнинг билдиришича бу борадаги камчиликларни бар-тароф этиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Кейинги кунларда матбуот наشرлари савдоси кескин кўпайди. Июль ойида 2 та янги дўкон ишга туширилди. Ушбу йўналишдаги барча ишлар вилоят ҳокимлигининг доимий назоратига олинди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола муаллифи яқинда танқид таълиғи олинган корхонада бўлди. Мухбиримизнинг фикрича ўзгаришлар бор. Марказий газетамизнинг сўзбедаги сони анча ошган. Жумладан, «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари 5 баробар кўпайган. Барок, молиявий мураккабликларга кўра туманларга матбуот наشرлари ҳамон кечиктиб етказилмоқда. Корхона раҳбари Гулом Жумаев яқин орада бу муаммо ҳам ҳал этилишини билдирган.

Минбардан янграган сўз

Минбардан янграган сўз бамисоли кўнграқдор — кишиларни уятлади, диққатини жамлайди. Маҳоратли вознинг бир ўзи ҳам табиб, ҳам ўқитувчи бўла олади ва у бир пайтнинг ўзида юзлаб инсонларни ютади, дардини олади, уларга илм беради. Биз гаваҳарий сўз айтишининг фидоси, сўзга сўз тинглашининг габоси бўлган буюк Шарқнинг воқисларимиз! Навоий ҳазратлари ҳам айтган эканлар:

Ҳар сўз ила элга ўлудин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тап ҳаёт.
Тарихимизда возлик мактаблари, ҳар бир илмининг машҳур возлари бўлган маълум. Улар нутқини саъбат даражасига кўтарганлар. Мамлакатни оёсийишта сақлаш, кишиларнинг маънавиятини бойитиш, эзгу ишларга етаклашда катта куч ҳисобланганлар. Ўзининг республика «Маънавият ва маърифат» маркази Фарғона шаҳрида мамлакат миқёсида возлар кўрсатини ўтказди. Халқ вояларидан келган сўз усталарининг чиқишларини кўрди, тинглади. Ватан таърифи, истиқлол ҳаяжонларини ифода-

ловчи мазкур нутқлар томошабинларга энг яхши саҳна асаридай таъсир этди. Ҳар бир чиқишини гулдўрс қарсақлар билан оқшамдилар, алоҳида мамнуният билдирдилар. Минбарда ҳеч қандай дафтар-қоғозсиз, кишиларнинг кўзига қараб туриб, ўрнида айтилган сўз кўнгалларнинг чанқоғига суя туттидай бўлишга, возлик жуда керак ва муҳим соҳа эканлигига яна бир бор ишондик. Марказимиз бу кўришни ҳар йили ўтказиш, возларни илашини давом эттириш ва республикада возлар мактабини ташкил этишга қарор қилди.

Бузувчи ижодини эътиборимиздан бирининг бир чимдин ижодини эътиборимизга ҳавола қилганимиз. Ҳамид Норқуловни яхши шоир сифатида билар эдик. Аммо у юқориде айтилган кўришда Тошкент вояларининг вози сифатида иштирок этди. Биз унинг эътироси нутқини тинглади, возлик ҳам алоҳида истеъдод эканлигига амин бўлдик. Янграқ овоз, сўзнинг ширдор ифодаси, ёниб турган юракни кафтида кўрсата олиш унга оқшлар келтирди.

Турсун Содиқова.

Элдан топган ҳаяжонларим

Мустақил элнинг умри узун йўлларда. Ун ёшида ўн минг тоғнинг юқларини кўтарган бу эл даракдай гулламоқда. Гуллар бирам тоза, гуллариди куёш кулиб турибди. Элга қараб қувониб кетаман. Элга қараб юксалиб кетаман. Элдан топган ҳаяжонларимни тилимга боғлаб булбулга айланман, булбулга!

Элим деб, элимдан ҳикматлар йиғдим, элим деб элимнинг гамини қилдим.

Элдан олиб элга бераймиз, лекин... Қаноатни ундан ўрганган болам. Ботмонлаб олаятимиз, томчилаб қайтараймиз. Умрингни чамалаб кўр, қарзни узишга берилган фурсат бир киприк қоққулик. Ҳарақатингни қил болам, ўзингдан қолса қолсин қарзинг, элдан қолмасин.

Элдан чиқма деган гапини қулоғингдан туширма, болам. Элдан кетиб элга қайтиб кирмоқ жуда ҳам мушкул. Ваҳоланки, беркингани йўқ ҳеч ким эшикни. Бу эшикнинг қоровули — иймон, иймонни эса эшикдек тепиб бўлмайди,

болам. Меннинг сенга кўзимни тикиб турганим — чирогимни сенга кўрмоқчи бўлганим. Элнинг сенга қараб тургани эса гуллаган даракдаги мевага кўз тикканидир. Қара, болам, элнинг нигоҳи ўткирлигидан, бемалол яшасанг бўлади. Сендан ўтинчим, элнинг кўзини алдама, чирогимни қўлингдан туширма. Сен элга эл бўлиб қўшилдинг, бу энди давлат бўлади, тоғу-тошларда, бегона юртларда хоинлик қилчига буйинини эгиб турган тенгдошларинг ҳаёти шу элга хиёнат бўлади. Давлат билан хиёнатнинг ёнма-ён туришига юрагингни макон қилма.

Элдан топмаган дуоингни мендан топмайсан, болам, эсингдан чиқмасин. Ножўя йўлларга кирганингда, ёлғонларга ўзингни ва ўзгани ишонтириб юрагингда эл кўрмади деб хомтама бўлма. Бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди, кўриб кўрмаганга олган бу элни! Менинг битта кўзим бор, элнинг кўзи эса мингта. Элнинг кўзидан қочиб яшамок, менинг кўзимни қонга ботирмоқ

билан баробар, болам. Элнинг кўзи асрадин, сени!

Қил кўприкнинг устида ўзим зўра турибман, болам, мендан эмас, элдан сўра кимлигингни. Кимлигингни остида бир кичик устундай турибман, синиб кетишим бор...


Белида белбоғи бор элнинг боласи бўлиш учун қадамингни билиб бос, болам, тайғоқ йўллар кўзингни қамаштирмасин. Бу гапларим насиҳат эмас, элнинг буйига буйингни мослай деб қуйингларим, холос.

Элим-эй, сендан топганларимни ҳам боламга атабман-а. Нетай, мен бир куюнчақ жон, қаторингда болаларимни кўрай деб, қаторингда кетаялман, қўшилишиб. Ўзингдан бегона тутма элим, топган-тутганимга барака бер, тилимдаги булбулимдан айирма!

Ун ёшингда ундан келиб дуо қилдим:

— Элим кўрган кунларингни қўй ўпсин, сени деб ким яшаса гар, икки дунё яшаб ўтсин!

Ҳамид Норқулов.



«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ»

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри,
Ҳамид Олимжон майдони,
«Пойтахт» бизнес-мажмуи,
Ғарбий томон, 2-йўлак,
Офис 29, 30.
Тел.: 137-72-91, 137-72-92.
E-mail: tstech@tstech.uz



Катта имкониятлар — яхши нархлар!



Истиқлол туҳфалари

НУРОБОДГА ФАЙЗ ҚЎНДИ

Мустақилликнинг ўн йиллиги чорвалорлар юрти — Нуробод тумани меҳнатқашлари учун эсла қоларли воқеаларга бой бўлди. Чўл бағрида қад ростилаган иншоотларга боқиб чорвалорларнинг кўз тўймайдди. Туман маркази — Нуробод шаҳри ва ён атрофдаги қишлоқларга тоза ичимлик суви келтирилиши эса бир қувончга ўн қувонч қўшди.

20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган чўл бағридаги бу шаҳар истиқлол йилларида янада жамол очди. Маҳаллалар, кўчалар ободонлашди. Хонадонларда табиий газ ёнди. Ҳамма шароитлар яра-

тидди-ю, фақат ичимлик суви муаммолигича қолганли. Шу бонс шаҳар аҳолиси тоза ичимлик суви келтирилишини интиқлик билан кутди.

Энди эса бу орзунинг мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида амалга ошганлигини улар доимо эслаб юришади. Навоий кон-металлургия комбинатининг Нурободдаги Жанубий кон бошқармаси бунёдкорлари энг азиз ва энг улуг байрамга муносиб совага ҳозирладилар. 45 километрдан иборат «Дамқўжа-Нуробод» сув қувури йўналишидаги қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, нуробод-

ликлар тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади.

Агрон қишлоғидаги 54 ва 55-мактаблар ва қишлоқ врачлик амбулаториясида табиий газ ёна бошлади.

Яна хайрли ишлардан бири ўтган йили Сурхондарё сарҳаларида душман билан олишувда қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ўғлон Сайёр Салдинов хотирасини ёд этиш бўлди. Сайёрнинг она қишлоғи — Жомининг бош кўчаси унинг номига қўйилиб, кўча бошида ёлғорлик лавҳаси ўрнатилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ

ҚЎЙДАГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА

- БАЛКА № 12дан № 40гача БМК;
- ШВЕЛЛЕР № 10дан № 30гача;
- УГОЛОК 100 мм. X 100 мм. Бир ўлчамдаги;
- ПЎЛАТ ЛИСТ 2 миллиметрдан 80 миллиметргача.

Тақлиф этиладиган маҳсулотлар сертификатлаштирилган бўлиши керак. Маълумот олиш ва тақлифлар учун телефонлар: 55-95-5 55-65-91. Тақлифлар 2001 йил 30 сентябргача қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2001 йилда жаҳондаги энг йирик 1000 банк орасида 403-ўринни ва дунёда ишончлилиги (BIS рейтинги) бўйича 2-ўринни эгаллаган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ВА «ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

аҳоли муддатли омонатларининг барча турлари бўйича, шунингдек, «Сўм карточкаси» омонатлари бўйича ставкаларни 2001 йил 3 августдан 2 октябрга қадар 10 фоиз оширади ва ишончли замонавий ҳисоб-китоб воситаси — «Ўзмиллийбанк» сўм карточкасини бепул олишдек ноёб имкониятни тақлиф этади.

Миллий банк, «Асака» банки ва «Пахтабанк» ўз тўлов тизимларини бирлаштириб, сўм карточкаларига биргалликда хизмат кўрсата бошладилар:

— ҳисобварақ қаерда очилган бўлишидан қатъи назар, «Ўзмиллийбанк» сўм карточкаларидан банкот орқали ҳам, Миллий банк, «Асака» банки, шунингдек, «Пахтабанк»нинг исталган муассасалари кассалари орқали ҳам ҳар доим нақд пул олиш мумкин;

— «Ўзмиллийбанк» карточкалари супермаркетларда, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади.

«Ўзмиллийбанк» сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва саломатликларини бепул суғурталаш имкони берилади.

«Сўм карточкаси» омонати юбилей мукофотли ўйинида иштирок этади!



2001 йил — Оналар ва болалар йили



Аёл ардоққа муносиб

Оила, аёллар ва соғлом авлод йилларида амалга оширилган давлат дастурури хотин-қизларнинг мамлакат сийси, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги, жамиятимиз турмушининг маънавий-ахлоқий асосларини мустақамлашдаги ролини янада оширди. Ушбу миқсдаги ҳаракат бугун — Оналар ва болалар йилида ҳам фаол давом эттирилмоқда.

Аёлни соғломлаштириш — айтиш куннинг устувори вази-фаларидан биридир. Бу ишга Шайхонтоҳур тумани тиббий бирлашма тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари жамоаси ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Бирлашма тизимида 9 та оилавий поликлиника, битта ўқув-даволаш комплекси, 3 та шаҳар болалар касалхонаси, шаҳар перинатал маркази, биринчи шаҳар шифохонаси, тери-таносил касалликлар диспансери ва стоматология поликлиникалари ишлаб турибди. У 259331 нафар аҳолига иختисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатади. Аҳолининг 22,1 фоизи туғиш ёшидаги аёллардир.

Туманда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги оммавийлаштириш, ёшлар саломатлигини тиббий ўргатиш, болалар ногиронлигининг олдини олиш мақсадида 57-оилавий поликлиника қошида «Еш келин-куёвлар» маркази ташкил этилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қўриқдан ўтказилган еш келин-куёвларнинг 60,4 фо-

изиди турли соматик касалликлар борлиги аниқланиб, улар даволашга юборилган. Бундан ташқари, шифокорлар маҳалла фаоллари ёрдамида 1086 та ёш оилани рўйхатга олиб, уларнинг 82 фоизини тиббий қўриқдан ўтказишди.

Аҳоли оғли ва тафаккурига «соғлом оила» иборасини синдириш биринчи галдаги вазифамиздир. Барча даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатилган «Оила мактаблари», шифономанинг экстрагенитал касалликлар бўлимидаги «Еш оила мактаби» айнан ана шу мақсадга йўналтирилган. Натига аёллар соғлиги яхшилана бораётганини кўрсатмоқда. Чақалоқлар соғлом туғилаётди. Чунинчи, 2001 йилнинг шу давригача туғилган чақалоқларнинг 58,09 фоизи соғлом бўлиб, ушбу кўрсаткич 2000 йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 фоизга кўтарилган. Исталмаган хомилдорлик ҳам аёлнинг соғлигига маълум даражада путур етказди. Бунга йил қўймаслик мақсадида мурувват ёрдами орқали келтирилган 25300 та контрацепт воситалари аёлларга тиббий кўрсатмага асосан тарқатилди.

Шифоноамизда ташхис маркази қўрилади. Бу ерда замонавий лаборатория, эндоскопия, баротераня, ташхис бўлимидаги, урология, жарроҳлик хоналари бўлади. Уштан йили қабул-ташхис бўлими ишга туширилди. Ушунинг бошқариш бўйича 93 ўринли 4 та мустақил бўлим, шунингдек, қон қуйиш бўлими ҳам ишлаб турибди. Хомилларимиз

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги байрам арафасида мамлакатимиз илм аҳди, зиёлилари, ўқувчи ва талабалари — барча китобхонларига муносиб совға тортиқ қилинди: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2-жилди босмадан чиқди. Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг ўқувчиларга табрик хатида (бу хат 1-жилда Эълон қилинган) қомусининг маънавий ҳаётимиздаги ўрнига юқори баҳо бериб, «унинг нашр этилиши мустақил тарраққиёт йўлида эришайтган ютуқларимизнинг ўзига хос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси» дея таъкидлаган эди.

Бу жилд «Бешик» мақола-серида бошланган «Гидрофизика» билан тугайди, яъни «Б», «В», «Г», «Д» қисмлари билан тугайди, 4600 мақола ва ўз ичига олган. Унинг ҳажми


МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2-жилди нашрдан чиқди

119,52 наشريёт-ҳисоб табиғий ташкил этади. Мақолалар мазмунининг асосий йўналиши қомусчилар олдида қўйилган талабларга биноан Ўзбекистонни, унинг тарихи, адабиёти, санъати, дини, бой маънавияти ва ўлмас қадриятларини кенгроқ ва чуқурроқ ёритишга қаратилган. Уларнинг географик-маъмурий тузилиши, иқтисодий, маданий ҳаётига оид энг сўнгги — 2001 йилги маълумотлар берилган. Бу жилдда 28 та давлат ҳақида мақола ёритилган. Эътиборли томони шундаки, бу давлатларнинг табиати, ижтимоий-сиёсий тузилиши, тарихи, маданияти, фани ва бошқа соҳаларини ёритиш билан бирга уларнинг Ўзбеки-

стон Республикаси билан иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари ҳақида муфассал маълумотлар беришга ҳаракат қилинган.

2-жилда 800 дан ортиқ биографик мақола бор. Улар буюк мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, санъаткорлар, машҳур ёзувчилар, беғуноҳ қатғонга учраган тарихий шахслардир. Китобда шунингдек, 1500 дан зиёд рангли ва оқ-қора сурат, харита, диаграмма, турли чизма ва жадваллар бор. Мақолалари тайёрлашда 600 га яқин муаллиф иштирок этган. Улар Ўзбекистоннинг таниқли олимлари, ўз соҳасининг билимдонлари, етакчи мутахассисларидир. Ўзбекистон миллий энцикло-



педияси 2-жилдини босмага тайёрлаш ҳамда чоп этиш ишлари Ижрадаги Тошкент матбаа комбинатида замонавий технология асосида сифатли амалга оширилди.

Қомусчилар айни кунларда Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 3-жилдини нашрга тайёрлаш устида қизғин ишлашмоқда.

(Ў.А.)

«Халқ сўзи» почтасидан

Шу бинодан бошланур бари...

Мамлакатимиз ҳукумати қомил инсонни шакллантириш, илм-фан техника ва технологияларни ривожлантириш учун маблағни аямаяпти. Айниқса, мактаб ва касб-ҳунар макталари қурилиши, жиҳозланишига берилаётган эътибор ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ушбу муҳташам масканларда янги аср Бериунийлари, Улуғбеклари тайлим олаётган бўлса ажаб эмас.

Бериуний Бериуний, Улуғбекни Улуғбек қилган авваламбор Оллоҳ томонидан уларга берилган беқиёс истеъод бўлса, иккинчидан уша даврда Кот, Гурганж, Бағдод ва Самарқанддаги бой ҳамда бетакор кутубхоналаридир.

Бугунги кутубхоналаримизнинг аҳолидан нолиш ноўрин бўлур эди. Аммо янги кутубхоналар қуриш, эскиларини таъмирлаш, жаҳон андозлари асосида жиҳозлаш, интернет тармоғига улаш юзасидан давлат дастури ишлаб чиқишда ва амалга оширишда айни мудоао бўлади, деб ўйлайман. Бу китобхоналарда катта қизиқиш уйғотишига иймоним қомил.

Қўзғоб ЖАПАҚОВ,
Бериуний тумани марказлашган кутубхоначилик тизими директори.

Япон халқаро халқорлик агентлиги JICA ба Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги халқорликда таъсис этилган

ИНСОН ИМКОНИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ МАРКАЗИ

иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга илком яратилган кенг миқдасли маданий-маърифий ишларни олиб боради.

Жумладан, бизнес-курслар очиш, япон тилини ўраатиш курслари ташкил этиш ҳамда қизқарули маданий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ МАРКАЗИ

тингловчиларни танлов асосида пуллик бизнес-курсларга қабул қилишни эълон қилади. Машгулотлар 2001 йил 29 октябрдан бошланади.

Олий маълумотга эга бўлган гайратли, иқтидорли ёшларга Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида олган назарий билимларини мустақамлашга, маҳорат ва малакаларини оширишга, тижоратни халқаро андозларда олиб бориш бўйича ажойиб шараит яратилади.

Марказ аудиториялари Ўзбекистонда ҳали учрамайдиган Япониядан келтирилган замонавий компьютерлар, офис ва аудиовизуал ускуналари билан жиҳозланган.

Марказнинг қундузги бўлимида 6 ойлик курсда таҳсил олганингиздан сўнг тижоратингизни муваффақиятли олиб боридаган, япон менежмент тизимининг ижобий тажрибасини эгаллаб, ҳайта моллашган ва бозор иқтисодиёти шараитида бемалол меҳнат қила оладиган бўласиз.

Ўқишда юқори натижаларга эришган тингловчиларга махсус имтиёз ва рабатлантиришлар кўзда тутилган.

Машгулотлар тугатганидан сўнг битирувчиларга сертификатлар берилади.

Танловда қатнашиш, ўқиш ва аризаларни расмийлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон-Япония марказига муурожаат қилишингизни сўраймиз.

Аризалар беришнинг охири мuddати — 2001 йил 15 сентябрь (шанба) соат 13.00гача.

Мулоқот учун жаноб Синьичиро Фукуда ва Фотима Муқимовга муурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-Б, Халқаро бизнес маркази, 6-қavat. Телефонлар: 137-48-62, 137-48-63, 137-48-69, факс 120-73-96. Биринчи саралаш туридан муваффақиятли ўтган номзодлар суҳбатга таклиф этиладилар.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- У. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 132-10-65
- Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибхона — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2815, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — А. САТТОРОВ. Мусаҳҳах — Ш. МАНШАРБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.00. 1 2 3 4 5 6

ASAKA BANK

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига унутилмас сана, ташқил этилганлигининг — 10 йиллиги муносабати билан,

СИЗ, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ СИЗЛАР МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ.

МИЛЛИЙ БАНК ҲАҲОН МОЛИЯ МАЙДОНИДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ БАНКЛАР ҚАТОРИДАН МУСТАҲКАМ ЖОЙ ОЛИБ ТУРИБДИ ВА ЮТУҚЛАРИНИ ТОБОРА ЮКСАЛТИРМОҚДА. МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУНДАН КЕЙИН ҲАМ САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАР СИЗГА ҲАМРОҲ БЎЛСИН, ҲАММАЛАРИНГИЗГА СОҒЛИК ВА ОМОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.

«Асака» банки жамоаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

Хурматли бўлажак абитуриентлар!

Сизларни институтнинг тайёрлов бўлими республикамизнинг олий ўқув юртларида ўқишга кириш учун қуйидаги фанлардан тест синовларига тайёрлаш бўйича ўқишга таклиф этади:

МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ЎЗБЕК ТИЛИ, РУС ТИЛИ, ЧЕТ ТИЛИ, КИМЁ, БИОЛОГИЯ, ТАРИХ, ФАЛСАФА, ИҚТИСОДИЁТ, ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ, ҲУҚУҚШУНОСЛИК.

Машгулотлар ўзбек ва рус тилларида институтнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Ҳужжатлар 2001 йил 20 августдан 20 сентябргача суҳбат орқали қабул қилинади.

Ўқиш мuddати 10 ой.

Машгулотлар кундузги, кечки ва сиртки шаклларда олиб борилади.

Яшаш жойига муҳтожлар бепул ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимида ўқиш даврида тингловчилар ҳарбий хизматдан озод қилинадилар ва уларга автомобил ҳайдовчиси гувоҳномаси берилади.

Институтнинг тайёрлов бўлимини тутатган тингловчиларга халқаро намунадаги сертификат берилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қори-Нивзий к., 39-уй. Телефонлар: 133-09-19, 137-19-69.

MAKITA

КАФФАТ. СЕРВИС ХИЗМАТИ.

- ✓ ПЕРФОРАТОРЛАР
- ✓ АВТОМАТИК ВОЛГАЛАР
- ✓ ЭЛЕКТР ДРЕЛАЛАР
- ✓ ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- ✓ МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- ✓ СИЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- ✓ РАНДАЛААР
- ✓ ДИСКЛАИ АРРАЛАР
- ✓ АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОБЛАР

БАРЧА АСБОБЛАР ЕВРОСТАНЛАРГА МУВОФИҚ

Makita - СИФАТ ВА ИШОНЧАНЛИК БЕГИМСИ.

Тошкент ш., 700000, В. Маликов К., 3, 113 - 115 хон. Тел.: (998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24. E-mail: malil@operamail.com

Эълон

Тошкент Давлат 1-табдиёт институти маъмурияти 2001 йил 6 октябр кунини даволаш ва педиатрия факультетларини 1961 йилда тугатилганларнинг 40 йиллик учрашуви бўлиб ўтишини маълум қилади.

Буюртма-хабарномалар почта орқали Искандар Рафиқович Раҳмоновга қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 700096, Тошкент-96, Муқаммил кўчаси, 150-уй, 30-хона.

М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақ» миллий рақс бирлашмаси Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри директори Бериура Қориевга уыр йўлдоши Қулаҳмад РИЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.